

**АМАЛИЁТ-
БУ
ҲАҚИҚИЙ
ФАОЛИЯТ**
2-бет.

**О ДРЕВНЕЙ
МЕДИЦИНЕ**
5-я стр.

**Ушбу
сонда:**

**АЁЛАРНИНГ
ЦИСТИТИ-Ю,
ЭРКАКАЛРНИНГ
ПРОСТАТИТИ...**
6-бет.

**ИНФАРКТ
МИОКАРДА**
7-я стр

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ ЎЗБЕКИСТАНА

«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир,
қўллари қизларнинг қўлларидек майин,
ақли ялон қабл дошнамид,
қалби шориникдек доворак
бўлиши керак».


«Врач должен обладать
глазом сокола,
руками девушки, мудростью змеи
и сердцем льва».

Абу Али ибн Сино.



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган. № 33 (289) 2002 йил 20–26 август.

Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги олдида



Меҳнати таҳсинга лойиқ ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА

Одам боласи ҳаётда ўзидан бир чимдим бўлса-да, нурли из қолдириб яшашни истайди. Шу боис, халқимиз ортида солиҳ фарзандлари бор киши ҳақида: «фалончининг чирогини ёқадигани бор» ёки «фалончининг чирогини ўчмайди», дейишади. Эр кишининг диёнати, уй-фикрли фарзанди унинг номини раҳмат нурларига буркайдиган. Азалий урф-одатимизга кўра, иморат қуриб қолдирмоқ ҳам чин инсон учун фарзидир. Қолаверса, Яратганнинг инояти билан илмда кашфиётлар қилиб, олимлик бобида шуҳрат топиб, илм яратиб, китоблар қолдирган инсоннинг нафақат ўзига, балки аждодларига ҳам Оллоҳнинг раҳматлари ёғилар экан.

Эҳтимол, бу ҳикматларни Хотам Турсунович Нишонов болалигиданок қўлига қўйиб олмагандир. Эҳтимол, турмушнинг ўзи, авлодлар қонидидаги илмга иштиёқнинг сўйма тафти уни шу нурли йўлга бошлагандир. Ҳарқалай у ўсмирлик чоғидаёқ тиббиётнинг сир-асрорларига ўзида катта қизиқиш туйди. Бунга яна бир воқеа кучли туртки берганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Хотам ўн бир ёшида падари бузруқоридан ажралди – Нишон ака жигар хасталиги туфайли вафот этди. Тўққиз нафар фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, воёга етказишдек машаққат Хикматой аянинг елкасига тушди. Хотамнинг қалбини қаттиқ

(Давоми 3-бетда).

Машаққатсиз юксак мақсадга эришиб бўлмайди



КАК РЕАГИРОВАТЬ НА ЧС?

названием «Лидерство в реакции на чрезвычайные ситуации и система управления травматизмом» будет проведен на базе Центрального военного госпиталя Министерства обороны Республики Узбекистан.

Целью его является развитие коалиции партнеров в реакции на

чрезвычайные ситуации и травматизм. Специалисты получат возможность улучшить навыки и понятия в данной сфере. Расширить знания в деле описания управления ресурсами (население, оборудование, инфраструктура) и понятие военно-гражданского сотрудничества. При

этом особое внимание будет уделяться подготовке инструкторов, повышению уровня систем травматизма, а также поддержанию этих навыков на надлежащем уровне.

Во время занятий организаторы надеются также установить прочные международные связи в развитии и укреплении региональных систем травматизма и реакций на чрезвычайные ситуации.

ЯНГИЛИКЛАР

• НОВОСТИ • СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ

ОНА ВА БОЛА МУҲОФАЗАСИ

Андижон шаҳридаги 3-туғруқхона жамоаси икки йил муқаддам БМТнинг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг махсус дипломи билан мукофотланган эди.

Яқинда мазкур туғруқхонада «Гўдакларни она сўти билан боқишни қўллаб-қувватлаш бўйича бутунжаҳон ҳафталиги» доирасида кўргазмали семинар ўтказилди. Унда гинеколог-шифокорлар, олимлар, шаҳар ва туманлар соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, шунингдек, жамоатчилик ва илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этдилар.

– Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва халқаро ташкилотларнинг амалий ёрдамлари натижасида мажмуамиз замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди, – дейди бош шифокор С. Аҳмаджонова. – Шу боис ҳам бизда оналар ва болалар учун барча шароитлар яратилган.

Ёш оналар, қайнона ва келин, ёш оталар клублари, шунингдек, маҳалла кўмиталари ва уй шифокорлари лойиҳалари бўйича ташкил этилган жамоатчилик асосида ишловчи маслаҳат марказида олиб борилаётган ишлар кўргазмали семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ПРОТИВ АНЕМИИ

В Каракалпакстане Международный детский фонд ЮНИСЕФ в сотрудничестве с Комитетом женщин, Министерством здравоохранения, Научно-исследовательским институтом гематологии и переливания крови приступил к реализации программы «Вместе против анемии».

Выделенные для реализации этой программы 3 миллиона долларов США расходуются на обучение медицинских работников, закупку медикаментов и их распределение среди населения. В соответствии с программой медицинский осмотр пройдут дети от 6 месяцев до двух лет, женщины детородного возраста и беременные женщины.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР: ТЕЛ.: 133-13-22, 133-57-73.

Азалий анъаналаримизга айланиб қолган «Хамшира-2002» кўрик-танлови Республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида бўлиб ўтмоқда. Шу жумладан, кун кеча Ўзбекистон миллий академик театри биносида Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги ва «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимияти, ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳридаги туман ҳамшираларининг «Хамшира-2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Театр кошонаси ташриф бурурган тиббиёт ходимларию, томошабинлар билан гавжум. Гулдурас қарсақлар остида 11 нафар ҳамшира қизлар даврага таклиф этилдилар. Кўрик-танловни Тошкент шаҳар Ҳокимиятининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Р. Курбонов кириш сўзи билан очиб, тиббиёт муасссаларидаги ҳамшираларимиз меҳнатини нечоғлик масъулиятли эканлигини таъкидлаб, иштирокчиларга омадлар тилади. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи М. Исмоилов ва «Камолот» Ешлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кен-

гашининг раиси Ф. Махмудхўжаевлар сўзга чиқиб, ўтказилаётган беллашувнинг мақсад ва моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Ниҳоят, томошабинлар орзикаб кутган дақиқалар ҳам етиб келди. Сухандон томонидан 1-шартнинг вазифалари ўқиб эшиттирилди. Қалбларидаги ҳаяжон ила 11 нафар ҳамширалар бирин-кетин ўз вазифаларини, яъни «Таништирувни»

қойилмақом қилиб бажарган бўлсалар кераки, биргина томошабинлар эмас, балки ҳайъат аъзолари томонидан ҳам илиқ кутиб олинди. Энди навбат эса ҳамшира фаолиятида асосий ўрин тутат оладиган назарий саволларга ўтилди. Иккитадан тузилган назарий саволларга туманлардан сардор бўлиб келган ҳамширалар жавоб бера бошладилар.

Хўш, ҳамширалар назарий саволларга тўғри жавоб бера олдиларми? Ҳа, бир оғиз сўз билан айтганда тўғри жавоб беришди, дея олишимиз мумкин. Чунки улар ушбу беллашувга неча кунлаб тайёргарлик кўрганлар, қолаверса, фаолиятларида кўп мартабалаб қўллаган жараёнлари бўлиши керак. Бу шарт ҳам ҳайъат аъзолари томонидан ҳолисона баҳоланди.

«Хамшира-2002»

Ўзбек миллий академик театрининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёқуб Аҳмедов ғолиблик шохсупасига чиққан ғолибларни даврага таклиф қилди. Ва ниҳоят, 3-ўрин Ҳамза тумани ҳамшираси Назокат Абдуллаевага, 2-ўрин Шайхонтоҳур туманининг ҳамшираси Дилором Ҳақимовга, 1-ўрин эса А. Икромов туманининг ҳамшираси Нилуфар Рустамоваларга насиб этди. Ғолиблар ва иштирокчиларга ҳомийлар ҳамда ўз жамоалари томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Биз Нилуфархонни Рес-



ҳамшира мутахассис бўлганда эди айрим камчиликлар юзага келмасинди (назарий ва амалий саволлар бўйича)? Сиз хафа бўлманг, мен бу билан кўрик-танловдаги тайёргарликни инкор этаётганим йўқ. Ҳамширалик иши учун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли

АМАЛИЁТ — БУ ҲАҚИҚИЙ ФАОЛИЯТ



Кикую Урата — Япония давлати, «Жайка» агентлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича эксперти.

— Сизнинг серкўёш Ўзбекистонингизга илк бор ташриф айлалашим. Ҳаёт, халқининг меҳмондўстлиги, хуш-чақнақлиги ҳамда меҳнатсеварлиги менга жуда ёқди. Айниқса, мана бугунги кўрик-танловда иштирок этишим ҳам ҳамширалик ишига бўлган меҳр-мухаббатларингизни асосий мақсади эканлигининг гувоҳи бўлдим. Чунки 11 нафар ҳамширанинг 5 та шарт асосида билим ва истеъдодларини саҳнада намойиш этишларининг ўзи бўлмайди. Улардаги билимдонлик, чаконлик, касбларига бўлган чанқоқлик сезилиб турибди. Мен бундай кўрик-танловда иштирок этаётганимдан афъ мамнунман. Ана шундай анъаналарингизни давом этиши омадлар тилаб қолам.

Рихси Солихўжаева — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси.

— Мен бир нарсадан жуда хурсанд бўлиб кетаман. Бу нарса ҳар бир соҳада бўлаётган ўзгариш ва юксалишлардир. Ана шундай ўзгариш ва юксалишлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам ўз ифодасини топаётгани бежиз эмас. Бутун Ўзбекистон халқимизнинг соғлиги учун меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларимиз қўлларидан келгунча шундай юксалишлар сари ҳаракат қилмоқдалар. Шу жумладан бизнинг 250 минг ўрта тиббиёт ходимларимизнинг ўрни ҳам ўзгараётган. Мана гувоҳи бўлиб турибсиз-ки, ҳамшираларимиз кўплаб томошабинлар даврасида ўзларининг зукколикларини, касбларига бўлган масъулиятларини намойиш этаётганлар. Мен биргина Тошкент шаҳриникини эмас, балки, Республикаимиз вилоятларида бўлиб ўтаётган кўрик-танлов иштирокчиларига омад тилаб, ғолибларни Республика босқичига ёрғуз билан кириб келишларини тилаб қолам.

3-шарт эса ижтимоий ва сиёсий бўлиб, видеотасмага туширилган саволлар ва унинг жавоблари экранга чиқарилди, ҳамшираларимиз эса саволларга қониқарли жавоб беришди.

Кейинги шарт ҳамшира фаолиятини яққол намойиш этаётган амалий вазифа эди.

Қаранг-а 11 нафар ҳамширага ҳам бир хилдаги амалиёт берилган. Улар 3 дақиқа ичида вазифани бажардилар. Лекин бундай ҳолатни ўша ерда томошабин бўлиб турган мутахассисларимиз қандай баҳоладилар экан?

Ахир, замон талаби даражасига жавоб бераётган ҳамширанинг театр сахнасида бажарётган амалиёти Республика шохлинич тиббий ёрдам илмий маркази ёки унинг филиалларида ўтказилса беллашувнинг асл мақсад ва моҳияти ўз ифодасини топган бўлиб, ҳамширанинг бемор билан мулоқоти, чаконлиги, ҳамширалик жараёни унинг фаолиятидаги масъулиятини кўрсата оларми? Кўриниб турибдики, эндигина иш фаолиятини бошлаган ҳамширалар учун дебоча мактаб бўлиб, уларнинг ўз касбларига бўлган меҳрларини яна оширамиди?

Сўнгги шарт эса эркин мавзуда бўлиб, ҳамшираларимиз ўзларининг иккинчи истеъдод эгаси эканликларини намойиш этдилар. Улар томонидан ижро этилган жозибали рақслар, дилларни ҳушнуд этувчи қўшиқлар, саҳна кўринишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ғолибларни аниқлаш ва уларни эълон қилиш навбати ҳайъат аъзоларига берилди.



публика кўрик-танловида иштирок этиши билан қизгин кутлаб, омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳар бир тадбирнинг ҳулоаси бўлади деганларидек, танлов ҳар ҳолда ўзига хос кутаринкилик руҳда ўтди-ю, негадир ҳайъат аъзолари орасида «Ҳамширалик иши» бўйича мутахассисни кўрмадик. Ҳар қалай халқ нақли билан айтганда «Чучук сўйса ҳам қасбоб сўйсин» дейишди. Агар ҳайъат аъзолари орасида тажрибали

фойдаланишингизни назарда тутаямман ҳолос. Чунки ҳеч биримизни вақт кутиб турмайди. Шу боис, фурсатни кўлдан бой бермай, ҳар бир дақиқадан қанчалик тезкорлик билан фойдалансак, ишларимиз ривожига янада ривож қилилиб, халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган меҳнатларимиз зое кетмайди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи:
А. НУРАТДИНОВ.



Аёл билан мунаввар олам

Кутлов!




Қаранг-а, қандай пурмаъно ҳикмат. Аёл — бу онамиз, опасингимиз. Ана шу биргина аёл — она сўзида қанчалар маъно муҳассас. Ҳа, аёлларимиз, оналаримизни қанча таъриф-таъсифласак ҳам оз. Улар номига дostonлар битганимизда ҳам сўзлар етишмай қаламлар ожизлик қилади.

Бугунги ўзбегим аёлларининг ҳам оилада, ҳам жамиятда ўзига хос мавқеи бор. Худди шундай аёлларимиздан бири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти шифокори — Раҳима опа Чўлпоновадир. Раҳима опа бир неча йиллардан бундан саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Р. Чўлпонова ўз касбининг

моҳир устаси, шу билан бирга иккинчи истеъдод эгаси, яъни ажойиб қаламкаш ҳамдир. Раҳима опа бундан топдими дейишлари билан қўлига қалам олиб, оқ қорғонни қоралайди.

Мана, бугун тажрибали шифокор, ажойиб қаламкаш соҳибаси Раҳима опа Чўлпонова кутлуг 50 ёшга қарши олдилар. Биз Раҳима опани таваллуд айёми билан чин қалбдан муборакбод этиб, келгуси ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш» — «Здравоохранение Узбекистана» газетасининг жамоаси.



(Давоми. Боши 1-бетда).

ўқитган бу айрилиқ унинг иродасини тоблади — ўсмир шифокор бўлишга, отаси каби хасталикка учраган беморларни даволаб, оёққа турғазига аҳд қилди. Бу пайтда у Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги Хамид Олимжон жамоа ҳужалигида улғаяр, шу ердаги ўрта мактабда тахсил оларди...

Мана, ўша армонли йилларнинг ортда қолиб кетганига ҳам кўп бўлди. Бу орада қанча сувар оқиб кетди. Ўсмирлик чоғида дилига маҳкам туққан орауси йўлида сабот билан ҳаракат қилган Хотам Нишонов дастлаб Самарқанд Давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан битирди. Унга шу илм дарғохининг ўзи «харадор» бўлди. Хотам Нишонов институтнинг Жаррохлик кафедрасига клиник-ординатор бўлиб ишлаб қолди. Тажриба орттиришни илмий изланишлари билан уйғун тарзда олиб борган ёш шифокор 1981 йили «Ошқозон ости беэи ўткир яллиғланишининг олдини олиш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва шу йиллик II ТошМининг жаррохлик бўлими кафедрасида ассистент бўлиб иш бошлади.

Ўқоридида қайтлар қаҳрамонимиз Хотам Нишонов таржимаи ҳолининг айрим саналарида таассурот қолдириши мумкин. Бироқ айтиш шу босқичлар етук олим ва машҳур шифокорнинг сермашаққат ҳаёт йўли ва катта салоҳият билан олиб борган илмий фаолиятининг туб асосларини ташкил этди. Ва энг асосийси... унинг ҳаётида янги саҳифа очган буюк воқеа 1991 йили содир бўлди: Ўзбекистон мустақилликка эришди. Илм кишиси, олим ва зиели сифатида бу тенгсиз бахт Хотам Нишоновга учқур қанот бағишлади, қалбда беҳад рағбат уйғотди. Ана шу қувонч ва рағбат қўмағида у ўзоқ йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотларини ҳулосалаб, жигар хасталикларига бағишланган докторлик илмий ишини ёқлади. Ва бу муваффақиятли ўтган тадбирдан сўнг беихтиёр ўсмирлик чоғини отасининг бевақт вафот этгани-ю, ўша аламли кезларда кўнглидан кечирган армонли йўларини хотирлади. Мухими кўнглига туққан аҳдининг устидан чиқа бошлаганидан маммулик ҳиссини туйди.

Истиқлол бу моҳир шифокорнинг ташкилотчилик, раҳбарлик лаёқатини кашф этди десак, муболаға бўлмайди. Ёш, мустақил Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими туб ислохотларга катта эҳтиёж сезаётган бу паллада Хотам Нишонов энг шимариб юрт ишига камарбаста бўлди! Уни Республика фавқуллодда вазиятларда шошилчин тиббий ёрдам кўрсатиш маркази директориликга тайинлашганда ҳали бу жаҳабда ўзгаришлар қилишга энгдига киришилган эди. Ўзгаришларнинг мантаний давоми сифатида ташкил этилган Рес-

ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА

публика «Шошилчин тиббий ёрдам» илмий маркази бош директори ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган Хотам Нишонов кучли салоҳиятга эга бўлган янги тизимнинг шаклланишида фаоллик кўрсатди. Айни пайтда яъни 2000 йилдан бошлаб у Республика «Шошилчин тиббий ёрдам» илмий марказининг Сирдарё вилояти филиалининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Сирдарёга йўлимиз тушиб, Хотам Нишонов билан учрашганимизда унинг чексиз қувончига шерик бўлдик. У гурур ва ифтихор билан бизга «Халқ сўзи» газетасининг шу йилги биринчи май сонида эълон қилинган бир мактубни кўрсатди. Мактуб муаллифлари — Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазир Ю. Шевченко ва Россия Тиббиёт фанлари академияси президенти В. Покровский. Улар Президентимиз Ислам Каримовга мурожаат этиб, жумладан, шундай ёзишган: «Сизнинг олжаноб ва фидойи меҳнатингиз, мамлакатнинг ҳамма жойларига шошилчин тиббий ёрдам тизимини ташкил этиш ҳақидаги гоиянгиз, Ўзбекистон Республикаси раҳба-

— дейди Хотам Нишонов. Дарҳақиқат, Республика «Шошилчин тиббий ёрдам» илмий маркази Санитар авиацияси ва «Тез ёрдам» хизматини боғлаштириб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимига ҳар жиҳатдан қучли ва афзал янги тизимга асос солиди. Марказда тиббиётнинг диагностика, жаррохлик, нейррохлик, травматология, шошилчин терапия, педиатрия, гинекология, токсикология, реанимация, сунъий буйрак бўлими каби барча соҳалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларида унинг 12 филиали, туман ва шаҳарларда 171 бўлими очилди. Президентимиз Ислам Каримов шу йил 26 март куни Марказ фаолияти билан танишар экан, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган тиббиёт соҳасини ислох қилиш бўйича давлат дастурининг биринчи босқичи нихосига етаётганини таъкидлади.

Қўлаб мамлакатлардаги шифокорлар фақат орзу қилиши мумкин бўлган бундай илмий марказнинг ташаббускори ва ташкилотчиси муҳтарам юртовимиз Ислам Абдуғаниевич марказда бўлганларида беморларни қабул

Меҳнати таҳсинга лойиқ

гич нуқтасида турган, хусусан, марказда биронта ҳам илмий даражали мутахассис йўқ эди. Ваҳоланки, яқин келажақда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мусасалари аста-секин пуллик бўлиб ўз-ўзини таъминлашга ўтиб кетгач, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг асосий қисми айтиш шу вилоят шошилчин тиббий ёрдам маркази ва унинг туман ҳамда шаҳарлардаги бўлимлари зиммасига тушади. Ўзоқни кўра биладиган раҳбар эса эртанги куннинг ғамини бугунқоқ ўйлаб, аниқ режа асосида иш юритмоғи шарт.

Хотам Турсунович вилоят шошилчин тиббий ёрдам илмий марказидаги фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ илмий ходимлар тайёрлашнинг аҳоли билан қизиқди. Марказ қошида илмий кутубхонанинг ташкил этилгани, унга ходимларнинг ўз малакаларини ошириш учун зарур бўлган жуда кўп адабиётнинг жамлангани гоияда хайрли иш бўлди. Шошилчин тиббий ёрдамни ташкил этиш ва замонавий техника

лаш яхши йўлга қўйилган. Чунончи, Хотам Турсуновичнинг икки нафар шогирди номзодлик диссертацияларини шу йил ҳимоя қилиш арафасида. Қисқа вақт ичида илмий изланиш билан машғул ходимларнинг ўттиздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилди. Бу ишларга бош-қош бўлаётган талабчан раҳбар ва истеъдодли олим Хотам Нишонов бир пайтлар ўзи таълим олган, йўл-йўриқларидан баҳраманд бўлган муҳтарам устозлари — академиклар Шавкат Каримов, Ҳакам Ориповларнинг ўғитларини тез-тез эслади. Зотан, шогирдга ҳам меҳр-мурувват кўрсатиш, ҳам унинг имкониятларини юзага олиб чиқиш учун қаттиқ талабчанлик билан муносабатда бўлиш ҳар қандай зиёлига ҳозир хусусиятлар эмас, албатта. Чинакам олимлар даврасида камол топган Хотам Нишонов бугунги кунда бир неча шогирдларнинг суяган тоғи, уларнинг етакчиси, меҳрибон устози. Бугунги кун билан қаноатлилик қолмайдиган, эртаси, истиқболдаги режалари билан ёниб яшайдиган инсонларгагина чинакам фидойилик ҳосилдир.

Марказимиз фаолияти фақат тинч, осойишта вазиятдагина фаолият кўрсатиш ва имкониятлари шунга яраша бўлиши лозим, десак янглишган бўламиз, — дейди Хотам Нишонов. — Чунки, фавқуллодда вазиятлар юз бергудай бўлса, бизга ўнлаб, юзлаб беморлар мурожаат қилиши мумкин. Биз бунга ҳамиша тайёр туришимиз керак. Бу борада доридармон захиралари, малакали ходимлар, зарур асбоб-анжомлар доимо шай туриши лозим.

Тиниб-тичимас раҳбарнинг ходимлар малакасини ошириш учун ишлаб чиққан махсус дастури, бу дастурнинг малакали шифокорлар учун алоҳида, ўрта тиббий ходимлар учун алоҳида режалаштирилгани вилоят шошилчин тиббий ёрдам марказидаги ишларнинг гоията пишиқ-пuxта ташкил этилганидан ана бир далолатдир. Зеро, ўтган йили марказ ходимларидан икки киши Москвада ва икки киши Санкт-Петербургдаги илмий марказларда ўз малакаларини ошириб келишди. Жорий йилда эса ўндан ортиқ ходимлар Россия ва бошқа чет давлатлардаги машҳур тиббий илм дарғохларида тажриба орттиришлари қўзда тутилган.

— Бизнинг марказимиз кўп тармоқли, — дейди Хотам Турсунович, — унда жаррохлик, жароҳатларни даволаш, шошилчин терапевтик касалликлар, яъни неврологик, кардеологик, болалар жаррохлик бўлимлари, захарланиш ва буйрак хасталаниш бўлимлари фаолият кўрсатади. 2001 йили марказимизга мурожаат этган 23 минг бемордан 10 минг 45 нафарига стационар шaroитда, қолганларига амбулатория шaroитида ёрдам кўрсатилди. 5 минг 76 нафар беморга биз жаррохлик амалиётини қўлаб, ёрдам кўрсатдик.

Моҳир шифокор ва фидойи раҳбар Хотам Нишонов ҳали ўз ишларидан қониқиш ҳосил қилганича йўқ. Унинг режасида марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш, ёшларни илмий изланишларга изчил жалб этишдек эзгу мақсадлар талай. Дарвоқе, АКШдан олинган кредит ҳисобидан 4 миллион доллардан ортиқ маблағга марказ учун яқин-ордада янги жиҳозлар олиб келиниши кўтилмоқда.

Ҳа, эл ишига камарбаста инсонларга Яратганининг ўзи қуч-қувват, ақл-заковат беради, дейишлари ҳақ гап. Юртдошлари дуосини олиб, кунни тунга улаб тер тўкиб хизмат қилаётган Хотам Нишоновдай матонатли фарзандларни бор халқ ҳамиша соғ-омон, бахти бекам бўлади.

Нурмаат АЛМУРОДОВ,
журналист.
Муаллиф олган суратлар.

Тез ёрдам — фаолиятнинг асосий бўғини



риятининг бу борадаги улкан саяй-ҳаракатлари учун энг самийий таъриқларимизни, энг эзгу қўлловларимизни ва чўқур миннатдорлик эхтиромимизни қабул қилгайсиз! Биз бу қўлгу ишни минглаб инсонларнинг ҳаёти ва тақдирини асраш ва қадрлашга қаратилган ғамхўрлик, деб биламиз».

— Жуда улкан эҳтиром ва ҳайратга йўғрилган бу мактуб мамлакатимизда халқ саломатлигини йўлида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарликларида олиб борилаётган олийжаноб ишларнинг ҳолисона тасдиғидир,

қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш жараёнлари билан танишар эканмиз, мусассаа фаолиятини янада тақомиллаштириш борасида қимматли маслаҳатларини бердилар. Биз бу маслаҳатларга амал қилган ҳолда, вилоятимиздаги Марказ филиалидаги ҳамма ишларни янгича йўсинда олиб боришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди Хотам Нишонов.

Сирдарё вилоятида Республика «Шошилчин тиббий ёрдам» илмий марказининг филиали 1999 йил очилган. Бу ерга Хотам Нишонов раҳбар этиб тайинланганда аксарият ишлар ҳали бошлан-

га ёрдам бериш, фаолиятини яқиндан назорат қилиш, ўрта тиббий ходимлар, шифокорларнинг малакасини муттасил ошириб бориш, вилоятдаги малакали ходимларнинг илмий изланишларини йўлга қўйиш ва шу тарика шошилчин ёрдамни илмий асосда ташкил этишга асослангандир, — дейди Хотам Нишонов.

Вилоят шошилчин тиббий ёрдам маркази фаолияти билан яқиндан танишиш асосида марказ раҳбарининг сўзи олиб берилаётган иш билан уйғунлиги айонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, марказда илмий ходимлар тайёр-

ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ИСХОДЫ КОНСЕРВАТИВНОГО ЛЕЧЕНИЯ ТУБЕРКУЛЕЗНОГО ГОНИТА У ДЕТЕЙ

Полноценное излечение и восстановление функции пораженного сустава возможно тогда, когда костный туберкулез рано диагностирован. Процессы заживления при туберкулезном гоните у детей и сохранение функции сустава зависят от целого ряда факторов: возраста ребенка, общего состояния, реактивности организма, раннего выявления болезни и своевременного начатого лечения. Восстановление функции пораженного сустава зависит от расположения очага, нервно-дистрофических изменений в окружающих тканях, дегенерации костного мозга и костных балок. Многие ученые считают, что идеальным исходом туберкулезного гонита является не анкилоз, а сустав с сохранением опорной и двигательной функций конечности.

Нами проведены наблюдения за 44 больными с туберкулезом коленного сустава. Возраст больных колебался от 3 до 15 лет, в основном больные были в возрасте 6-8 лет и 11-13 лет. Мальчиков было 20, девочек – 24.

Контакт с больными туберкулезом отметили 7 детей. Правая конечность была поражена у 18 больных, левая – у 26. Первично синовиальная форма

наблюдалась у 23 больных, очаговая – у 17 больных. При поступлении правильное положение нижней конечности наблюдалось у 26 больных, сгибательная контрактура в коленном суставе под углом 170° – у 5, контрактура с углом от 170° до 140° – у 7, от 140° до 90° – у 6 больных. Удлинение конечности отмечено у 21 больного, атрофия мышц бедра и голени – у 35, увеличение в объеме коленного сустава – у 27 (за счет выпота – у 21 больного, за счет инфильтрации мягких тканей – у 6). Локальную боль в суставе отмечали 29 больных, повышение местной температуры зарегистрировано у 19 больных, симптом Александера был положительным у 19, свищи наблюдались у 3 больных.

Рентгенологически туберкулезный гонит проявлялся: остеопорозом – у 28 больных, расширением суставной щели – у 8, очагами деструкции в мыщелке бедра – у 21, в мыщелке большеберцовой кости – у 9, изъеденностью суставных поверхностей – у 11. При синовиальной форме поражения

сустава очаги деструкции не выявлялись.

Больные получали полноценное санаторно-ортопедическое лечение с применением антибиотиков и химиопрепаратов. Для устранения порочного положения конечности

Профилактика

накладывались гипсовые повязки в функциональном положении сустава. Наряду с усиленным питанием, витаминно- и азотелитерапией применяли различные методы физиотерапии, массажа и ЛФК. Активные движения в больном суставе, являясь основой функциональной терапии, применялись дозированно, по возможности, в

ранний период репарации процесса, то есть с момента установления стадии потери активности. Функциональная терапия, в основном, была направлена на восстановление функции в суставе и укрепление связочно-мышечного аппарата. Для усиления действия лечебной гимнастики она часто сочеталась с азотелитерапией, УВЧ, массажем и упражнениями на пружинных упорах.

В процессе лечения через 6 месяцев улучшалось общее состояние, нормализовалась картина крови, отмечалась прибавка в весе в среднем на 1-1,5 кг. К концу проведенного лечения нормализовались контуры сустава, исчезла пролиферация мягких тканей, закрылись свищи, исчезли боли.


После окончания лечения сгибательная контрактура устранена у 16 из 18 больных, у 2 – сохранилась контрактура под углом 170° . Из 44 больных к моменту выписки у 35 – движения восстановились в полном объеме, у 9 – ограничение движений сохранилось, в том числе

у 3 больных наблюдался анкилоз в функционально выгодном положении.

На рентгенограмме выражены явления восстановления в очагах, нормализовалась тень суставной сумки, очаги деструкции заполнились костной тканью (у 22), уменьшились и ограничались (у 8). Наблюдение за больными в течение 3 лет выявило обострение процесса у 1 больного через год, деформацию коленного сустава – у 24 больных и удлинение конечности на 1,5-2 см – у 11. У 41 больного отмечено полное сохранение опорной и двигательной функции конечности; у 6 детей, выписанных с ограничением функции, отмечено полное ее восстановление в дальнейшем.

Таким образом, санаторно-ортопедическое лечение туберкулезного гонита у детей с широким применением ЛФК, физиотерапии и массажа дает благоприятные результаты и значительно улучшает функцию сустава. Возможно достигнуть полного излечения туберкулезного гонита у детей, но при краевых очагах, расположенных вблизи ростковой зоны, в отдаленные сроки наблюдается деформация костей.

Ю. СОЛДОВ,
З. ХОДЖИМУХАМЕДОВА,
Н. ТУЙЧИЕВ.



номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат қўсатган тиббиёт ходими), Худойберган Султонов, Жумабой Жуманиёзов, Каримбой Юсупов каби сало-

Дунёда инсон ҳаётига кучли таҳдид солувчи касалликлар кўп. Сил мана шулардан бири бўлиб, жуда узок тарихга эга. У энг қадимий касаллик сифатида кўхна Миср даврларидан бўён яхши маълум.

Гарчи сил хасталиги инсониятни энг кўп миқдорда ўлимга маҳкум қилувчи даҳшатли восита саналса-да, у бедаво эмас. Ҳозирда ҳатто дунёнинг жуда қашшоқ ҳисобланган мамлакатларида ҳам силли давлош имкониятлари мавжуд. 1993 йилда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташиқлототи бутун дунёда сил бўйича фавқуллодда ҳолат эълон қилди ва ер юзи мамлакатлари халқларини унга қарши изчил курашга ундади.

Беруний туман сил касаллиги қарши курашиш диспансери ўз фаолиятини 50-йилларнинг охирида бошлади. Диспансерга унинг биринчи иш қунидан то 1987 йилгача бўлган даврда туманининг энг етук шифокорларидан саналмиш юксак иқтидорли инсон Реимбой Фозилбеков бош шифокорлик қилди. Устоз вафотидан сўнг диспансер раҳбарлиги истеъдодли шифокор Тўлибой Отабоев қўлига ўтди. Мана, ўн беш йилдики, тажрибали врач нажоткорлар жамоасини бошқариш билан бирга ўзи ҳам муттасил равишда амалматалаб беморлар дардига дармон бўлиб келмоқда.

Тўлибой Отабоев бунгача тиббиётнинг узок ва сермашаққат йўлини босиб ўтди. Хали 60-йилларнинг иккинчи ярмида ҳозирги кунда берунийликларнинг сеvimли шифокорларига айланган Исмомил Юсупов (туман марказий касалхонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари

СИЛ СИЛЛАНИ ҚУРИТМАЙДИ,

чунки уни даволовчи Тўлибой Отабоевдек тажрибали шифокорлар бор

матлик посбонлари билан биргаликда Самарқанд Давлат тиббиёт институтига таълим олди. Меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари Хўжайли туман сил касалликлари диспансерида кечди. Қароматдин Нормибековдек ёрқин истеъдодли устоз панохи остида сил касаллиги сирлари, ундан халос бўлиш чораларини ўрганди. Шундай қилиб, тиббиёт соҳасида анча муна иш тажрибаси тўплаган Тўлибой Отабоев 1974 йилнинг ёзида ўзи туғилиб улғайган Беруний туманига – туман сил касалликлари диспансерида даволовчи врач сифатида ишга тақлиф этилди.

Узоқ йиллик излаш-интилиш жараёнилари исизис кетмади. Тўлибой Отабоевдаги тиришқоқлик, ҳаракатчанлик, касбга фидойийлик хислатлари тезда диспансер бош шифокори Реимбой Фозилбеков назарига тушди. Шу тариқа у 1977 йилда диспансер бўлими мудири лавозимига тасдиқланди. Кейинги йиллардаги сермашмун меҳнат фаолияти Тўлибой Отабоевни янада юксак лавозимларга кўтарди.

Ҳозирги кунда тиниб-тинчмас раҳбар Тўлибой Отабоев бош шифокорлик қилаётган сил касалликлари қарши курашиш

диспансерида беморларни даволаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Саломатлик масканида йилига ўртача 300 нафардан ортиқ беморлар ўз соғлигини тикламоқда. Уларга тиббий хизмат қўрсатишда Лола Эржонова, Шоҳсанам Сатторова, Наргиза Ботилова, Қодир Жумабоев каби врачлар, Раъно Жуманова, Сайёра Маткаримова, Ҳабиба Гадониёзова, Набира Қўтимуродова, Гулчехра Авазимбетова каби ҳамширалар, Юсуфбой Мамбетов, Давлатгелди Тоиров, Эргаш Каримов каби участка фельдшерлари, Хушрўй Қурбонбоев, Рўзбека Мухторова каби ўрта тиббиёт ходимларининг иштирокларини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Бош шифокор Тўлибой Отабоевнинг тинимсиз сай-ҳаракатлари, туман ҳокимлиги ва юқори тиббий раҳбарлик ташиқлотларининг бевосита аралашуви билан 1996 йилда диспансер беморлар ва саломатлик посбонлари учун ҳар томонлама қулай, шинам ва ораста бўлган янги бинога кўчиб ўтди. Тиббий жамоа раҳбари бошқаришнинг замонавий шакл-шамойиллари ва тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиш йўлларини янада чу-



лака ошириш курсларида бўлиб қайти. Эндиликда Беруний туманида сил бемор силласини қуритолмайди, чунки бу заминда уни даволовчи Тўлибой Отабоевдек тажрибали, билимдон шифокорлар бор.

Тўлибой Отабоев хонадонидан бирор кун қувонч аримайди. Хонадон бекаси Мақсуда Аҳмедова – меҳрибон, жонқуяр шифокор. Асли жаззахлик бўлган латофатли аёл ҳозирда туман марказий касалхонаси функционал диагностика бўлимида хиз-

мат қилмоқда. Шифокорлар оиласида етти нафар фарзанд камолга етди. Бахтиёр – меймор, Нигора ва Дилдора – ўқитувчи, Баҳром – ҳуқуқшунос, Илхом – ҳозирча ҳарбий хизматчи. Улардан фарқли равишда оиланинг икки нафар дилбанди – Баҳодир ва Сайёра-лар ота-она йўлини танлашди. Баҳодир айти кунларда Қорақалпоғистон Республикаси сил касалликлари қарши курашиш диспансерида жаррохлик қилади, Сайёра Беруний туман марказий касалхонаси жаррохлик бўлимида ҳамширалик иши билан шуғулланади.

Шифокорлик йўли улуг йўл. Тўлибой Отабоевлар оиласи ушбу йўлдан бориб, хаста дилларга қувонч улашаётир. Махкамталаб юракларга мадор бўлган шифокор ҳеч қачон кам бўлмайди.

Тожимурод
ЭШМУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг
«Ҳаёт ва қонун» юридик
журнали муҳбири.

Мудрость веков

О ДРЕВНЕЙ МЕДИЦИНЕ

ПОНЯТИЯ ЧЕТЫРЕХ ОСНОВНЫХ МАТЕРИЙ («ХИЛТ») И НАТУР («МИЗОДЖ») СОГЛАСНО ВОЗЗРЕНИЯМ СТАРОЙ МЕДИЦИНЫ

Когда пища попадает в рот и до тех пор, пока она усвоится и превратится в составную часть тканей тела, она проходит четыре стадии превращения. Каждую из них соответственно называют первым, вторым, третьим и четвертым этапами переваривания, или усвоения. Каждый этап усвоения имеет свои особенности, его конечный результат или продукт превращения свойствен только этому этапу, точно так же ему свойственны и определенные отходы ненужных веществ, удаляемые из организма.


Первое усвоение или превращение происходит в то время, когда пища пережевывается во рту и до тех пор, пока она не попадет в желудок – в виде горячей или теплой кашицы. Ее называют «килус». Жидкая часть килуса по волосным протокам или сосудам, которые якобы соединяют желудок с печенью, проходит в печень. Густая, более плотная часть кашицы, переходит в кишечник, и ее называют «бироз» (выделения). На этом заканчивается первый этап превращения пищи в организме. Второй этап превращения, называемый «кимус», происходит в печени; этот этап состоит в том, что пищевая кашица в желудке, или килус, превращается в (основные) материи организма («ахлот»), то есть в кровь, лимфу, сафру и савду, которые следуют в кишечник, а отходы этого этапа – моча – выводятся из организма через почки и мочевой пузырь.

Третий этап превращения происходит в сосудах и состоит из превращения основных материй («ахлот») в составную часть тканей и органов в пропорции, которая определяется натурой (или темпераментом) человека. Именно здесь сказывается преобладание той или иной материи, в организме того или иного человека, что определяет тип его натуры.

Четвертый этап преобразования пищи происходит в органах и тканях тела. Он состоит в превращении жидкости в ве-

щество, подобное или идентичное веществу органа или ткани. Отходы этого этапа – пот и вязкие жировые выделения – удаляются из организма.

Итак, четыре основные материи – это жидкие текущие вещества, которые получаются путем расщепления килуса, или пищевой кашицы.



Те вещества (переработанного килуса), которые подверглись действию естественного тепла организма, полностью созрели и поднялись на поверхность, – представляют собой **сафру**.

Вещества, которые выпали в осадок, – это **савда**, то есть более тяжелая часть жидкости, обремененная осадком.

Та часть вещества и жидкости, которая остается посередине между поверхностным (более легким) и нижним слоем (более тяжелым), – это **кровь**.

Вещества, которые не поддались за это время действию естественного тепла организма и остались несозревшими, сырыми, – это **лимфа**.

Натура или «мизодж» (что означает «смешение») – это состояние организма, которое происходит от смешения четырех основных его движущихся, жидких материй (крови, лимфы, сафры и савды). Их взаимодействие и взаимосмешение вынуждается формой тела (его «колодкой»), ограничениями вместимости тела и отдельных его органов.

Это взаимодействие и вынужденное смешение приводит к взаимному уменьшению или нейтрализации едкости и остроты каждой из этих материй. В результате этого получается «среднее» состояние взаимной отно-

сительной или полной нейтрализации. Это «среднее» состояние и называется «мизодж» или натура (иногда его называют «темперамент»).

Если господствует состояние полной взаимной нейтрализации и уравновешенности, так что ни одна из четырех материй не получает преобладания над другими, то такое состояние или свойство называют «истинно уравновешенной натурой».

В таком состоянии природа или естество всех четырех материй, то есть их свойства: тепло, холод, сухость, влага уравновешиваются между собой, не допуская преобладания ни одного из них. Однако такое состояние практически не наблюдается или наблюдается крайне редко и, во всяком случае, постоянным свойством не бывает, а возникает лишь изредка в некоторых организмах.

Обычно же преобладает одно свойство (тепло, холод, сухость или влага) или же два свойства (тепло и влага, тепло и сухость, холод и влага, холод и сухость).

Если в натуре преобладает только одно свойство, то такую **натуру** считают простой. Имеются четыре вида простых натур:

натура горячая – с преобладанием тепла,
холодная – с преобладанием холода,
сухая – с преобладанием сухости,
влажная – с преобладанием влаги.

